

*САДОҚАҲН ЧЕЪМАҲТОВА*

*СИЗҲИ  
КУҲҲИЪ*

*Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2007*

Она Ватанга, юртга, халққа, ота-онага ва ёрга садоқат ҳамда меҳр-муҳаббат мавзуси ҳар бир ижодкор ижодида турлича йўсинда талқин этилади. Қўлингиздаги ушбу шеърий тўпламда ёш шоира – Садоқат Неъматованинг қалбидаги кечинмалари сатрларда самимий, ўзгача бир руҳда ўз аксини топган. Садоқатнинг чин қалбдан айтган сўзларидан жамланган ушбу гулдаста шеърият ихлосмандларининг кўнглидан жой олишига ишонамиз.

ISBN 978-9943-08-211-3

© Садоқат Неъматова «Сизни кутиб». «Янги аср авлоди»,  
2007 йил

## ҒУНЧА ИҒОРИ

Садоқатой 9 ёшида:

– *Ойишоним, ой деди,  
Келтир менга чой деди.  
Нур тўла кўзимсан, ҳам  
Аълоликда бой, деди, —*

дея шеърлар тўқий бошлади. Бу йўлда у, яъни назм бўстониға олиб борувчи йўлда тинмай изланди, машқ қилди ва анча пишиб улғайди. Унинг шеърларини ўқиганингизда Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфга хос кайфиятни, унинг назм йўлиға хос содда, аммо нозик дил торларини чертиб ўтадиган ифодаларни топиб узганини илғайсиз.

Бир шеърда инсоният учун энг керакли неъмат бўлмиш тинчликни улуғлаб «Эй, Тинчлик! Ватаним, дунёни забт эт!» деса, «Ярим кўнгли билан узоқни кўзлар» деб ёзади «Ёлғиз аёлга» шеърда. Ёки бўлмаса «Соғлигингиз хатарға қўйиб, Кетмадингиз бизлардан тўйиб. Жой олдингиз юракни ўйиб...» дейди «Олқишлайман, сизни устозлар» шеърда.

«Ойи, ўрдакчам оқиб кетяпти, Сув бетида у қалқиб кетяпти. Тез тутиб беринг, кетиб қолмасдан. Улкан балиқлар ютиб олмасдан» дейди ва мана шу тасвир ифода орқали ўрдакча кетидан типирчилаб югурган ҳамда жонзотларға нисбатан меҳрли болакай қиёфасини чизади...

Хуллас, бу мўъжазгина тўпламда эндигина юз очаётган ғунча ифоридан баҳраманд бўласиз. Келажакда эса биз ижод аҳли ғунчанинг барқ уриб гулламоғиға тилак билдириб қоламиз.

*Омина ТОЖИБОЕВА,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,  
шоира ва ёзувчи.*

## **ВАТАНИМ**

Мен ўзимга кўп бердим савол:  
«Ватан, Сен-чун нима қилолдим?»  
Гоҳо туйғуларим ичра лол  
Бўлдим, учқур хаёлга толдим.

Гардингни алишмам, ҳаттоки,  
Ўша машҳур Лондон, Парижга,  
Ундамаса зарурат токи,  
Ошиқмасман унга боришга.

Ватан, менинг қароғимдасан,  
Сен-чун ширин жонимдан кечгум,  
Бўлолсайдим қўлларингга энг,  
Ватан, шунда армонсиз ўтгум.

Сенинг меҳринг ила тирикман,  
Бахтимга тинч омон бўлсанг бас,  
Хизматингга доим тайёрман,  
Мен қизингни ёд айласанг бас.

## **БАХТИМИЗГА ТИНЧЛИК БЎЛСИН ҲАР ДОИМ**

Она, Ватан сўзи нақадар буюк,  
Истиқлол тўлибди ўн олти ёшга,  
Мен учун унданда йўқ эрур суюк,  
Тилим лол, шайдоман дур сўз теришга.

Ватаним тенгсиздир, дунёда аъло,  
Эй, тинчлик! Ватаним, дунёни забт эт,  
Бу олам ичинда унга тенг баҳо,  
Топилмас, Эй тинчлик, уни эъзоз эт!

Қодирий, Чўлпонлар қони тўкилди,  
Машаққатлар кўпдир, дунёда, аммо,  
Душман мағлуб бўлди, қадди букилди,  
Байроғинг ҳилпирар бу олам аро.

## **VATANIM**

Men o‘zinga ko‘p berdim savol:  
«Vatan, Sen-chun nima qiloldim?»  
Goho tuyg‘ularim ichra lol  
Bo‘ldim, uchqur xayolga toldim.

Gardingni alishmam, hattoki,  
O‘sha mashhur London, Parijga,  
Undamasa zarurat toki,  
Oshiqmasman unga borishga.

Vatan, mening qarog‘imdasan,  
Sen-chun shirin jonimdan kechgum,  
Bo‘lolsaydim qo‘llaringga yeng,  
Vatan, shunda armonsiz o‘tgum.

Sening mehring ila tirikman,  
Baxtinga tinch omon bo‘lsang bas,  
Xizimatingga doim tayyorman,  
Men qizingni yod aylasang bas.

## **BAXTIMIZGA TINCHLIK BO‘LSIN HAR DOIM**

Ona, Vatan so‘zi naqadar buyuk,  
Istiqlol to‘libdi o‘n olti yoshga,  
Men uchun undanda yo‘q erur suyuk,  
Tilim lol, shaydoman dur so‘z terishga.

Vatanim tengsizdir, dunyoda a‘lo,  
Ey, tinchlik! Vatanim, dunyoni zabt et,  
Bu olam ichinda unga teng baho,  
Topilmas, Ey tinchlik, uni e‘zoz et!

Qodiriy, Cho‘lponlar qoni to‘kildi,  
Mashaqqatlar ko‘pdir, dunyoda, ammo,  
Dushman mag‘lub bo‘ldi, qaddi bukildi,  
Bayrog‘ing hilpirar bu olam aro.

Аждодлар орзуси бўлиб ижобат,  
Қарамлик бизларга бўлди бегона.  
Тангрим инъом этган ул улуғ неъмат,  
Истиқлол бизларчун бахтдан нишона.

Давлатим бошлиғи бор бўлсин доим,  
Истиқлол мангуга юз тутсин абад.  
Бахтимизга тичлик бўлсин ҳар доим,  
Тангридан сўрайди қизинг САДОҚАТ!

## **БУВИЖОН**

Уйимизни, қалбимизни ёритувчи ўзингиз,  
Олтинданда аъло эрур ҳар бир айтган сўзингиз,  
Қўлингизга асо бўлай, бўлай кўзингизга нур,  
Бахтимизга соғ-саломат, омон бўлинг бувижон.

Алла айтдингиз тунлари мен учун бўлиб бедор,  
Билиб-билмай қалбингизга берганман балки озор,  
Сўрагайман бир тилакни Оллоҳдан такрор-такрор,  
Бахтимизга соғ-саломат, омон бўлинг бувижон.

Қайтаролмам менга берган ўшал буюк меҳрингиз,  
Эртақларга сингиб кетган сўзлардаги сеҳрингиз,  
Аллаларим, эртақлари сенга болам, дердингиз,  
Бахтимизга соғ-саломат, омон бўлинг бувижон.

Тун кечалар йўлимни ёритувчи чироғимсиз,  
Ташна дилимга ҳаёт, чанқасам булоғимсиз,  
Юртимни гўзал айлаган, гуллаган боғимсиз,  
Бахтимизга соғ-саломат, омон бўлинг бувижон.

Ajdodlar orzusi bo‘lib ijobat,  
Qaramlik bizlarga bo‘ldi begona.  
Tangrim in‘om etgan ul ulug‘ ne‘mat,  
Istiqlol bizlarchun baxtdan nishona.

Davlatim boshlig‘i bor bo‘lsin doim,  
Istiqlol manguga yuz tutsin abad.  
Baxtimizga tichlik bo‘lsin har doim,  
Tangridan so‘raydi qizing SADOQAT!

## **BUVIJON**

Uyimizni, qalbimizni yorituvchi o‘zingiz,  
Oltindanda a‘lo erur har bir aytgan so‘zingiz,  
Qo‘lingizga aso bo‘lay, bo‘lay ko‘zingizga nur,  
Baxtimizga sog‘-salomat, omon bo‘ling buvijon.

Alla aytdingiz tunlari men uchun bo‘lib bedor,  
Bilib-bilmay qalbingizga berganman balki ozor,  
So‘ragayman bir tilakni Oллоhdan takror-takror,  
Baxtimizga sog‘-salomat, omon bo‘ling buvijon.

Qaytarolmam menga bergan o‘shal buyuk mehringiz,  
Ertaklarga singib ketgan so‘zlardagi sehringiz,  
Allalarim, ertaklari senga bolam, derdingiz,  
Baxtimizga sog‘-salomat, omon bo‘ling buvijon.

Tun kechalar yo‘limni yorituvchi chirog‘imsiz,  
Tashna dilimga hayot, chanqasam bulog‘imsiz,  
Yurtimni go‘zal aylagan, gullagan bog‘imsiz,  
Baxtimizga sog‘-salomat, omon bo‘ling buvijon.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/1939> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/1939> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/1939>